ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 38-39 (316-317) 2002 йил 25 сентябрь, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

24 сентябр. Вильнюс. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Литва Президенти қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Президентларнинг юзма-юз суҳбатида Литва раҳбари Валдас Адамкус давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи икки мамлакат босиб ўтган йўлни сарҳисоб қилиш ва келгусидаги режаларни белгилаб олиш учун яхши имконият туғдирганини айтди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаларида ўзаро савдосотиқни ривожлантириш, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, янги қўшма корхоналар тузиш, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, Афғонистондаги тикланишга доир масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон билан Литва ўртасида Давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Шунингдек, ташқи ишлар вазирликлари, мудофаа маҳкамалари, божхона хизматлари ҳамда миллий университетлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Шундан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида Президентлар Ўзбекистон-Литва муносабатларининг ҳуқуқий асоси мазмунан бойиб, қамрови янада кенгайганини таъкидлади.

Ислом Каримов Вильнюсдаги Антакалнис ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди. Литва Республикасининг мустақиллиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик пойига гул қўйди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Литва Бош вазири Algirdas Brazauskas билан учрашди. Бу икки сиёсатчи қадрдон дўстлардир. А.Бразаускас шу йилнинг февралида мамлакатимизда меҳмон бўлган эди. 1997 йили, у мамлакат президенти бўлган кезлари, Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган. Ислом Каримов ва А.Бразаускаснинг дўстлиги мамлакатларимиз мустақилликка интилаётган пайтлардаёқ бошланган. Қадрдон дўстларнинг суҳбатида Ўзбекистон-Литва муносабатларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мамлакатимиз раҳбари Вильнюс университетида бўлиб, ушбу олий ўқув юрти раҳбарияти билан суҳбатлашди. Ўзбекистон биланЛитва муносабатларига доир китоблар кўргазмаси билан танишди.

Ислом Каримовнинг Литвага расмий ташрифи давом этмоқда.

ИСЛОМ КАРИМОВГА ЛИТВА ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

24 сентябр. Вильнюс.(ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Литванинг Буюк Витаутас ордени топширилди.

Мазкур давлатнинг энг олий мукофоти ҳисобланувчи бу орден Литва давлати, халқи олдидаги ҳамда халқаро миқёсда улкан хизматлар кўрсатган атоқли кишиларга берилади.

1930 йили Буюк Литва князи Витаутаснинг 500 йиллиги муносабати билан таъсис этилган мазкур орденга шу пайттача Швеция қироли Карл ХУ1 ва қиролича Сильвия, Литванинг биринчи Президенти А.Бразаускас, Сейм (парламент) раиси В.Ландсбергис ҳамда Литва кардинали В.Слаткевичус сазовор бўлган.

(ЎзА)

Журналист суриштируви

ҚАРОРНИ КИМ БАЖАРМАЯПТИ?

Юртимизда маҳаллалар фаолиятини ривожлантириш, обрў-нуфузини юксалтириш Президентимиз ҳамда ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Шу йилнинг 16 март куни умумий шанбалик куни деб эълон қилиниб, ушбу тадбирдан тушган маблағлар ва барча корхона, муассасаларни бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» жамғармаси қуйи яъни туман бўлинмалари ҳисобига ўтказиш ҳақидаги ҳукумат қарори ҳам ана шу ғамхўрликнинг ёрқин мисолидир.

Хўш, жойларда мазкур фармойиш ижроси қандай бўлди?

Афсуски, биз Хонқа туманида бўлганимизда ушбу саволларга ижобий жавоб топа олмадик.

- Бу масалада мен туман ҳокими муовини И.Раҳмоновга қайта-қайта мурожаат қилдим. Лекин ҳеч бир натижа бўлмаяпти, - дейди «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмаси ҳисобчиси Р.Рўзметов.

Маълум бўлишича, ўтган олти ой мобайнида жамғарма ҳисобига 64 минг сўм пул келиб тушган, холос. Вазирлар Маҳкамасининг шанбалик пулларини «Маҳалла» жамғармаси ҳисобига ўтказиш ҳақидаги махсус хатидан сўнг, туман ҳокимлиги қарор қабул қилган.

Тумандаги 10 та ширкат хўжалигидан 9 таси эса ҳалигача бир тийин ҳам ўтказишмай келишаяпти. Туман ҳокимлиги эса ўз қарорининг ижроси деярли бажарилмаётгани билан қизиқмаётганлиги сезилиб турибди.

Биз айрим ширкат хўжалиги раисларига мурожаат қилдик: А.Навоий номли ширкат хўжалиги раиси К.Бобожонов «Поручение» бериб қўйганмиз, - деса телефон орқали «Пахтабанк»нинг туман бўлими бошқарувчиси Қ.Сатторовга мурожаат қилганимизда, мен ширкат хўжалиги раисларига қайта-қайта айтсам ҳам «Поручение» беришмаяпти, - дейди у.

Ана, холос. Бу ўринда ким қарорни бажармаяпти деган савол туғилади. Аммо ким бажаришга ундамаяпти, деган савол ундан ҳам ўринлироқ бўлар эди.

Қодир МУЛЛАЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Жамғарма бўлимида

МАҲАЛЛАНИ ОСОН ЎРГАНАСИЗ

Айтиш керакки, Сурхондарё вилояти Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви анча қийин, лекин ибратли ишни бошлаб бугун уни поёнига етказишди. Поёнига етган бу хайрли иш нималардан иборат эди? Жамғарма бошқаруви раиси Тиловмурод Мустафоқулов бу ҳақда шундай дейди:

- Ҳар бир туманда Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси туман ёки шаҳар бўлинмасининг 2002 йил учун паспорти ташкил этилди. Бу пастпортларда маҳалланинг ўтган йилликдаги фаолияти, эришилган ютуқлар, муаммолар, таклиф ва мулоҳазалар, фаолиятни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган муҳим тадбирлар, талаб этиладиган маълумотлар, ҳисоботлар, иш режалари, давлат дастурлари, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, маҳалла футболи, маҳалла паҳлавонлари, маиший хизмат, ободонлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш йўлидаги ишлар, қишлоқларнинг инфратузилмасини такомиллаштириш, миллий қадриятларни эъзозлаш, тизимдаги ходимларнинг малакасини ошириш ва борингки, барча-барча маълумотлар тўла ўз аксини топган. Уни қўлга олган одам айни бир туман жамғармаси ёки маҳалланинг шакл-шамойили, бугунги ишлари ҳақида, аҳолиси, яшаш тарзи хусусида батафсил маълумотга эга бўлади. Маҳалла паспортлари уч нусхада тайёрланган бўлиб, унинг биттаси жамғармада, иккинчиси вилоят бўлимида, учинчи бир нусхаси эса ҳуқуқ-тартибот идораларига берилган. Таъкидлаш жоизки, маҳалла паспорти вилоятдаги ҳар бир қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида юз фоиз ташкил этилди. Паспортда ҳар бир маҳалланинг жўғрофий харитаси ҳам берилган. Ҳуллас, вилоятимиздаги маҳаллалар фаолияти билан атрофлича танишишни истаган одамга ҳеч бир қийинчилик йўқ. У исталган маҳалланинг паспортини олади-да, ўзига керакли бўлган маълумотларга эга бўлади.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,
«Mahalla» мухбири.

Оммавий ахборот воситалари ва кадрлар салоҳияти

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда кенг жорий қилиш - жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги энг муҳим устувор йўналишлардан эканини алоҳида таъкидлади.

Парламентнинг тўққизинчи сессиясида қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ҳамда «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар, шунингдек, биринчи ўқишда тасдиқланган ва умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилинган «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида аҳолининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш, ўз-ўзидан, матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни изчил мукаммаллаштириб боришни талаб этади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 3 июлдаги «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси мазкур муҳим ҳужжат ижросини таъминлаш йўлида қабул қилган қарор шу мақсадга қаратилган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги раҳбар ходимлар малакасини оширишга бағишланган ўқув-семинарнинг очилиш маросимида ана шулар ҳақда батафсил сўз юритилди. Унда агентликнинг вилоят бошқармалари бошлиқлари, оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази ходимлари, нашриётлар ва матбаа корхоналари раҳбарлари, газета ва журналлар бош муҳаррирлари, журналистлар иштирок этмоқда.

Тадбирни мазкур агентлик бош директори Р.Шоғуломов очди.

Анжуман қатнашчилари тўрт кун давомида мамлакатимизда матбуот ва ахборот тизимини такомиллаштиришда раҳбар кадрларнинг ўрни ва роли, оммавий ахборот воситаларини молиялаштириш асослари, оммавий ахборот воситалари мониторингини амалга ошириш хусусиятлари, муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш масалалари, вилоят нашриётларида чоп этилаётган адабиётларнинг ғоявий-бадиий савияси, телевидение ва радионинг жамиятни эркинлаштиришдаги ўрни билан боғлиқ мавзуларда маърузалар тинглайди.

Семинарнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов сўзга чиқди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА мухбири

Муносабат

БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

Таҳририятимизга Сурхондарё вилояти Шеробод туманидан келган мактубда туманда «Mahalla» газетасини обуначиларга етказишда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида шикоят қилинган эди. Қуйидаги жавоб хати ушбу хат юзасидан кўрилган чора-тадбирлар хусусида.

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани «Маҳалла» хайрия жамғарма бошқармаси раиси А.Ортиқов томонидан газетага ёзилган шикоят хати «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси топшириғига асосан «Сурхондарё почтаси» акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан текшириб кўрилди. Текшириш давомида Шеробод тумани почта филиали саралаш бўлими оператори Б.Яраевнинг масъулиятсизлиги туфайли газета обуначиларга кечиктириб берилганлиги маълум бўлди. Ушбу масъулиятсизликка йўл қўйилгани учун Шеробод почта филиалининг 2002 йил 6 сентябрдаги 91-сонли буйруғи билан Б.Яраевга ҳайфсан эълон қилинди. Назорат кучайтирилди. Обуначига ўз вақтида етиб бормаган газеталар етказиб берилди.

А.А.МАҲМУДОВ
«Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси Бош директори.

Обуна-2003

Ўзбекистон Оқсоқоллари Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси нашри бўлган «Mahalla» газетасининг юртимиз равнақи йўлида олиб бораётган ишларини, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини газета саҳифаларида ёритиб уларга бераётган амалий ёрдамларини Ширин шаҳри фаоллари қўллаб-қувватлайдилар. Газетага обуна бўлиш масаласи ҳокимлик, ҳокимлик қошидаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла йиғинлари ва бошқа муассасаларда ўрганиб чиқилди, керакли тавсиялар берилди.

Шаҳардаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари биринчилардан бўлиб «Mahalla» газетасига обуна бўлиш ташаббуси билан чиқдилар.

Бошқа ташкилот ва муассасаларда ҳам бу нашрга обуна бўлиш ишлари ташкил этилмоқда.

Х.ҒАЙБУЛЛАЕВ,
Ширин шаҳри ҳокими ўринбосари.

Маҳобатли бино сари бораётиб, анча берида тўхтаб қоламан. Илгарига шаҳдам юришга ботинолмайман...

Умар Ҳайём огоҳ этган сатрлар ёдимга тушади:

- Тупроққа авайлаб қадамингни қўй,
Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди!

ВАТАН УЧУН ЎЛМОҚ - ТИРИКЛИГИНГДУР

Қатоғон қурбонлари хотираси музейи қаршисидаги ўйлар

Оёқларим остидаги замин қачонлардир шу жойда бирма-бир отиб ташланганларнинг сўнгги ҳолатларига гувоҳ. Улар ҳам ўлимидан атиги бир сония олдин тик турганди шу ерда биз каби, улар ҳам ўлимидан бир сония олдин тирик эди, биз каби. Фақат улар Ватан учун ўлимга рўбарў эди... Балки улар «Ҳадемай ёруғ кунлар келади, ишонинг» дея ҳайқиргандирлар?!

Ёруғ кунлар келди.

Аслида бу кунларимиз учун асрлар давомида курашган миллатдошларимизнинг табаррук номлари тарих осмонида юлдуздек чарақлаб турибди. Спитамен, Амир Темур, Намоз ботир, Қурбонжон Додхоҳ, Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон... Агар уларнинг ҳаммасини хотирласак, улкан тарих китобига жо бўлгуликдир. Бари-бариси Ватан озодлигини орзулаган эдилар.

Кўҳна тарих не-не талотўпларни, жангу-жадаллар, қирғинбарот урушларга гувоҳ. Россия империясининг Туркистонни босиб олганидан кейинги 130 йиллик даврда чоризм истибдодига қарши бош кўтарганлар учун турли жазолар ўйлаб топиларди. Ўтган асримизда юз берган қатағонлар - «қулоқ қилиш» сиёсати, Сибир сургунлари, «халқ душмани» деган айб билан қамаб юборишлар, «пахта иши», «ўзбеклар иши»... Бир-бирига уланиб кетган бу қатағонлик даврлари халқимизнинг иродасини буколмади, ўша қайғули йилларда ҳам халқ ўз эътиқодидан чекинмади, доимо илгарига қадам босди. Улар халқни қатағонлик сиёсатлари олдида бош эгмасликка даъват этишарди.

«Эй, улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмамишдур», дея ёзади Абдурауф Фитрат «Юрт қайғуси» (Ҳуррият», 1917 йил, 28 июль) асарида. Сўнг яна ёзади: «Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ - менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ - тириклигимдур..»

«Қатағон қурбонлари хотираси» музейи машъум истибдод қурбонларининг руҳлари кезиб юрган табаррук гўша. Бу ерга қўйилган ҳар бир асар, ҳар бир буюм қатағон даврининг тирик гувоҳи. Агар улар инсон каби сўзлай олсалар эди... Сарғайган китоблар, чети букланган, йиртилган қоғозлар қай онларда ёзилгани, ўз эгасининг қай кайфиятда бўлгани, сўнг узоқ йиллар қай жойларда паноҳ топгани ҳақида ҳикоя қилиб берармиди! Қодирий, Фитрат, Чўлпон... Маълумотларга кўра, Чўлпонга тегишли ҳар бир буюм аямасдан йўқотилаётган бир пайтда унинг мушфиқ синглиси акаси суратини кўп вақтлар нимчаси астарида беркитиб, асраб қолган экан. Бизга таниш бўлган бу қиёфа гўёки нимадир айтмоқчидек бўлиб боқади. Бизга қадрдон ўша сатр хаёлимиздан кечади: «Ғўзал Чўлпон эдим, дўстлар...»

Қароқларимга ёш тўлади. Нега мен... нега биз ана шу улуғ инсонлар ҳақида илгарироқ эшитмаганмиз? Эшитган бўлсакда, бор ҳақиқатни билолмаганмиз. Мактаб парталари ёнида тик туриб, Амир Темурни қонхўр эди, дея қайта-қайта такрорлаган эдик. Озодлик учун қон тўккан асл ўғлонларни эса «босмачилар» деб атаганмиз. Ўзимизнинг тарих қолиб, ўзга юртлар тарихини ўргандик, ўз миллий қаҳрамонларимизни танишга улгурмай, ўзга халқлар ичидан чиққан «довюрак»ларни мақтадик. Бордию, эркимиз курашчиларини таниганимизда, билганимизда эди, қалбларимизда жасорат ва шижоат туйғулари янада жўш уриб, ўзимиз ҳам улуғ ишларга қодир бўлиб улғаярмидик. Ватан озодлиги нима эканини илгарироқ англармидик балки. Ўзбекнинг мард ўғил-қизларининг номларини, қилган ишларини биздан яширишди. Негаки, собиқ Шўро ҳукуматига халқни ортидан эргаштирадиган ботирлар эмас, бўйсунувчан қуллар керак эди. Бизнинг айтажак сўзларимиз бўғзимизда қотиб турарди, овоз чиқариб айтолмасдик. Нақадар даҳшат...

Музейнинг ичкариларига термуламан. Қўлидаги таёғи билан қўзғолонга қўшилганлар, «боламизни оқ пошшо хизматига бермаймиз» дея майдонга чиққан аёллар, минг бир қийноқлардан кейин ҳам таслим бўлмаган мард ўғлонлар гўёки суратлардан бирма-бир чиқиб келиб, бизни ҳушёрликка ундаётгандек бўлади. Аслида ҳам шундай! Ўтмишда қурбонлар берўб, бугунги эркимизга эришдик. Ўтмиш бизни курашишга ўргатди. Энди шу озодликни асрай билишимиз зарур.

«Тарихий хотирасиз келажак йўқ» дейди Президентимиз.

Тарихий ҳақиқатларни тиклаш демакки келажакни яратиш пайти етди. Ватан деб ҳайқирган, юраги юрт ишқи билан ёниб яшаганларнинг изларини изламоқ вақти ҳам келди.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

Шу соннинг

2-САҲИФАСИДА

** Устозимнинг уқтирганлари...*

** Бу одам ўзининг оталигини унутиб қўйган(ми)!?*

** Маҳаллаларимиз номи мантиқли ва муносиб бўлса...*

3-САҲИФАСИДА

** Музей жиҳозлари мозийдан сўзлайди...*

** Гумон қилсанг, яхши гумон қил!*

** Ҳофизнинг жонкуяр набираси*

4-САҲИФАСИДА

** Зидан ажобтовур автомобилдан воз кечди!*

** Ботута босиб ўтган манзиллар...*

** Айём арафасидаги яхши тилаклар!*

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:
Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

«Mahalla» хабарлари

САЁҲАТЧИ ҚАРИЯЛАР

Яқинда Қизириқ туманида яшовчи юз олтмиш нафар қария туман ҳокимияти, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари туман бўлинмаларининг кўмаги билан мамлакатимизнинг гўзал ва мафтункор, қолаверса дунё танийдиган шаҳарлари - Бухорои шариф ва Самарқандда бир неча кун бўлиб қайтишди.

Сафар давомида улар Баҳоуддин Нақшбанд, Боғи Орифон, Мир Кулол мақон тутган қутлуғ манзилларни, ислом дунёсининг машҳур ва марғуб муқаддисларидан бири Имом Исмоил ал-Бухорий мақбарасини, Амир Темур ва унинг авлодлари қабрларини, шунингдек Регистон, Шоҳизинда каби улуғ меъморий обидаларни зиёрат қилишди.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ.

***

Наманган вилояти Давлатобод тумани ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг шу туман бўлинмаси ташаббуси билан бир гуруҳ қариялар пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси ёдгорликлари мажмуи»ни, шунингдек Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги меъморий обидаларни, янгидан барпо қилинган қутлуғ жойларни зиёрат қилиш мақсадида саёҳат уюштирдилар.

Миллатимизнинг узоқ тарихини ўзида мужассам этган тарихий обидалар, юрт озодлиги, эл фаровонлиги йўлида шаҳид бўлган халқимизнинг асл ўғлонларига атаб бунёд этилган ёдгорликлар зиёратчиларда катта таассуротлар уйғотди.

Нурали ШОДИЕВ.

САХИЙ ТАДБИРКОРЛАР

Муборак шаҳридаги Ёшлик маҳалласи аҳолиси тадбиркор Чори Умиров номини эъзозлаб тилга олишади.

Бунинг боиси тадбиркорнинг сахийлиги, топган даромадининг маълум қисмини бошқалар билан баҳам кўраётганлигидир. Нон цехини ишга туширган тадбиркор 8 ойдирки, кам таъминланган уч нафар оилани нон билан таъминлаб келмоқда. Унинг ҳамкасби Илҳом Саидов ҳам кам таъминланган оилаларга яқиндан ёрдам кўрсатиб келаётир.

- Маҳалламизда 89 нафар уруш ногирони, Чернобль фожеаси қатнашчиси ҳамда кўплаб қариялар яшашади, улар ҳамиша бизнинг диққат эътиборимизда - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Туроб Жумаев.

«Энг обод маҳалла» республика кўрик-танловининг ғолиби бўлган бу маҳалланинг кўчалари, хонадонлари обод ва кўркам. Ҳавас қилса арзигулик янги гузарда маданий-маърифий тадбирлар, дам олиш кечалари, спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб турилади. Маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчаси фаолиятидан маҳалла аҳли мамнун.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ
«Mahalla» мухбири

1 ОКТЯБРЬ - ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ЮРАК ДАФТАРИДАГИ ЁРҚИН САҲИФА

(Устоз Саъдулла Кароматовни эслаб)

Хотиралар... Бир пайтлар бизга педагогикадан дарс берган доцент, ажойиб ва меҳрибон устозимиз марҳум Юсуп ака Тоҳирийнинг бир ўгитлари ҳамон эсимда:

«Ўқитувчи аввало маънавий нуқсонсиз бўлмоғи керак. Агар иродангни чиниқтириш, фикрингни кенгайтириш ва фаҳм-фаросат билан ўзингни вазмин сақлаш воситаларини билсанг, - демак сен яхши ўқитувчисан. Маҳоратли бўлиб, ўз эътиқодингда қатъий тура билсанг, шундагина юксак номга муяссар бўласан», - деб таъкидлардилар. Тошкент шаҳридаги 22-ўрта мактабда адабиётдан сабоқ берган ўқитувчимиз кейинчалик ўз бадиий ижоди билан адабиётимизга, журналистик фаолияти билан жамиятимизга катта ҳисса қўшган марҳум Саъдулла Кароматов ҳам аввало ўз фани ва ўқувчиларига чуқур меҳр қўйган, садоқатли маорифчи эдилар.

Саъдулла Кароматов дарс ўтганида ўз билимларини қалбимизга чуқур жойлаб, бу билан китоб ва бадиий адабиётга меҳримизни янада оширганлар. Бу инсоннинг бизга берган сабоқлари туфайли адабиёт фанининг ҳаётни англашда, дунёқарашнинг теранлашувида ҳаётбахш таъсир кўрсатишини чуқур ҳис этганмиз.

Уруш ва урушдан кейинги йиллардаги очарчилик, етишмовчиликларга қарамасдан бирор марта ҳам дарс қолдирмасдик. Ҳатто биз дарсларнинг қандай тугаб қолганини сезмай қолардик.

Саъдулла Кароматов Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида дарс ўтганларида улуғ шоирнинг тўртликларини завқшавқ билан ўқиб берганлари ҳамон ёдимизда:

То хирсу-ҳавас хирмони барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво касри баруфтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Адабиёт дарси ўз жозибаси билан бизни фикрлашга ва мулоҳотга ундарди.

Саъдулла Кароматов атоқли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг «Вақт» шеъридан бир неча мисраларини бизга ёддан ўқиб, сўнг насиҳат қилганлари эсимда:

- Дунёда вақтнинг йўлини тўсадиган ҳеч қандай куч йўқ, у ҳеч қачон орқага қайтмайди, ҳар бир дақиқа ғаниматдир. Ҳеч бир ишни эртага қолдирманг. «Эртага» «бугуннинг» душманидир.

Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун,
Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз.

Саъдулла Кароматовнинг ҳар бир дарслари бизни ташаббус ва фаолликка чорларди. Синфдошимиз Аброр Қосимов (ҳозир у таниқли кинорежиссёр) бошчилигида Гоголнинг «Ревизор» комедияси ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмаси мактаб саҳнасида қўйилганида давомли қарсаклар бўлган. Шунда залнинг биринчи қаторида ўтирган Саъдулла Кароматовнинг ёқимли жилмайиб, мамнунлик билан қарсак чалганлари ҳамон кўз ўнгимизда.

Таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров, севимли шоиримиз Эркин Воҳидов, «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи» телекўрсатувининг ижодкори Элбек Мусаев, моҳир таржимон, журналист марҳум Абдукарим Набихўжаев, марҳум шоиримиз Сайёр ва Анвар Исроиловлар устоз Саъдулла Кароматов фаолият кўрсатган ҳозирги 22-ўрта мактабнинг ўқувчилари бўлишган.

Ижодкорнинг баҳоси унинг ёзган асарларидадир. «Бир томчи қон», «Олтин қум», «Эътиқод», «Ҳижрон», «Амунинг зар кокиллари», «Қумуш камар», «Гўзаллик рамзи», «Тоғлар қаҳқаҳаси», «Тоғ гўзали», «Шакшакхоним», «Тушунсангизчи, жонгинам», «Қадр» каби ажойиб роман, қисса ва ҳикоялари севимли устозимиз Саъдулла Кароматовдаги ажойиб қобилият, истеъдоднинг маҳсулидир.

Бизга ҳаёт ҳақиқатларини чуқур англатиб, кўнгилларимизда китобга меҳр уйғотган ажойиб устозимизнинг ўчмас хотираси юрак дафтаримизнинг ёрқин саҳифалари ичра қайта-қайта кўзга ташланаверади.

Эркин ҒУЛОМОВ,
Тошкент тумани Алишер Навоий номли маҳалла оқсоқоли;
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар устози.

Олий Мажлис қўмиталарида

КИЧИК КОМИССИЯ ИШ БОШЛАДИ

Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримов ўзининг Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга қаратилган дастурий маърузасида жамоатчилик институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг директори, Олий Мажлис депутати Акмал Саидов бошқарган Қўмита мажлисида Президентимизнинг маърузасида таъкидланган юқоридаги муҳим долзарб масалаларни амалга ошириш ва ҳаётга тадбиқ этиш, янги зарур қонунларни тайёрлаш, мавжудларини давр талабларидан келиб чиққан ҳолда мукаммаллаштириш, ўзгартиришлар киритиш юзасидан қилинадиган ишлар режалари белгилаб олинди, қатор ишчи гуруҳлари тузилди. Маърузада аниқ кўрсатиб берилган, мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бу борада амалга оширган улкан ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни, Юртбошимиз ургу бериб айтганларидек, халқимиз орзу қилган марраларга етказишни таъминлайдиган, мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга қаратилган асосий еттита устивор йўналишнинг тўртинчи ва бешинчи дастурий мақсадларини амалга ошириш бўйича кичик комиссияси тузилиб, унинг таркиби тасдиқланди. Комиссия таркибида Акмал Саидов, республика Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби, «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Аслиддин Болиев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директорининг ўринбосари М.Гасанов, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси раиси Азамат Зиё, Олий Мажлиснинг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси раиси М.Миролимов, Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимовлар бор.

Мажлисда шунингдек, Олий Мажлис депутатлари, соҳа мутахассисларидан, олим ва жамоат вакилларидан иборат 7 та ишчи гуруҳи ташкил этилди. Улар қаторида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси А.Гадойбоев, маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари ва фаолларидан О.Муталов, М.Тешабоев ва бошқалар бор.

Ўз мухбиримиз.

Миллий қадриятларимиз - олтин меросимиз

НАВРЎЗГА ЭШ МЕҲРЖОН

«Мен доимо халқ сайлларига эҳтиром билан қарардим...», деб ёзиб қолдирган эди буюк соҳибқирон Амир Темур. Мустақиллиик халқимизнинг ўзлигини англашга, қадимий унутилган халқ сайллари ва байрамларини тиклашга замин бўлди.

Қадимда олтин кузнинг дебочаси - мезон ойида қарши олинган Меҳржон истиқлол арафасида, 1990 йилдан бошлаб диёримизнинг кўпгина вилоят ва туманларида қайта нишонлана бошланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1992 йилнинг апрель ойидан М.Горький номли маданият ва истироҳат боғини «Меҳржон» боғи деб аташга қарор қилди. Республикамизнинг кўпгина боғча ва мактабларида ҳам «Меҳржон» байрами ўтказиб келинмоқда. Айниқса ватанимизнинг бир гуруҳ азамат ҳомийлари томонидан 1999 йилда «Меҳржон-99» ҳомийлик марафони ўтказилганлиги мамлакатимизда катта бир воқеа бўлди.

Абу Райҳон Беруниийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» деб аталган нодир асарида қадимий Турон, Эрон, Рум ва Афғонистон халқлари томонидан кашф этилиб, турмушга сингдирилган урф-одатлар ҳақида бебаҳо маълумотлар берилган. Абу Райҳон Беруниийнинг юқоридаги тилга олинган асарида ёзилишича «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон ҳам заминнинг икки кўзидир».

Баҳорда қишдан иликузилди бўлиб чиққан бир пайтда орзу ва ниятлар баён этилади. Меҳржон эса ана шу олижаноб режаларнинг шоён ижросидир. Аллома икки мавсум байрами ҳақида ҳикоя қилар экан, баҳор билан кузда кун ва туннинг икки марта тенг келишини ёдга солади. Демак, Наврўз 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси нишонланса, Меҳржон 23 сентябрдан 24 сентябрга ўтар кечасидан бошланади.

Меҳржон - дегани меҳри қуёш одамлар демак, ўта меҳрибон ва саховатли инсонлар демак.

Меҳржон - деганимиз ўзини эмас, ўзгалар дарди билан яшайдиган инсонлар демак.

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди, элшунос олим.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги Меҳнат роҳат маҳалласида ҳавас қилса арзигулик оилалар кўп. Панжи бобо Раҳмонов хонадони ҳам шундай оилалар сирасидан. Хонадон соҳиби Панжи бобо Раҳмонов қирқ йил жамоа хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. Етти фарзанд тарбиялаб, бугунги кунда бир этак набиралар қуршовида қарилик гаштини суриб яшамоқда.

ЭГИЗАК МАҲАЛЛАЛАР

ёки маҳаллалар номланишидаги муаммолар ҳақида

Халқимиз жой номлари шу жойнинг ўзига хос, такрорланмас хусусиятларини англатган.

Бундай номлар жойларни ўзини кўрмасдан аввал улар ҳақида маълумот беради. Аммо кейинроқ қўйилган номлар, яъни «замонавий» номлар ҳам борки, буларга қараб кулишингни ҳам куйинишингни ҳам билмайсан. Эътибор беринг-а: Янгиобод, Янгиҳаёт, Янгиқишлоқ... Республикамизнинг деярли ҳар бир вилоятида бу номларни учратасиз. Баъзи туманларда Янгиқишлоқ номи иккиталаб учрайди. Вилоят бўйича яна ҳам кўпроқ. Тўғри улар бир пайтда янги бўлган, ахир ҳар бир ҳодиса ҳам бир марта янги бўлади.

Тошкент шаҳрида Наврўз деб аталувчи маҳаллалар сони нечта - буни биламадигу байрам кунлари бир кунда 3-4 та шу номли маҳаллаларда тадбирларда бўламиз. Бу ном вилоят туманларида қанча? Республика миқёсидачи? Наврўз - бу битта маҳаллага тегишли кичкина ҳодиса эмас. Наврўз - энг улуғ миллий байрамимиз. Бундан ташқари кишилар номидаги маҳаллалар бор. Амир Темурдек буюк шахс номи билан ҳам кўплаб маҳаллалар аталади. Улардан қайси бири буюк соҳибқироннинг номи айнан шу маҳаллага қўйилиши лозимлигини асослаб бера олади. Бу ерда фақат ҳурмат ва ифтихор туйғуси камлик қилади! Худди шу фикрни мумтоз шоирларимиз Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номларига ҳам нисбатан айтиш мумкин.

Маҳаллаларга номлари қўйилган кишилар шак-шубҳасиз ҳурматга лойиқ инсонлар. Уларнинг хизматлари ўз вақтида муносиб тақдирланган. Қолаверса, улар ишининг давомчилари фарзандлари бор. Ҳар бир қарич ери тарихдан сўйлаб турадиган юртимиз маҳаллаларининг ўз номи бўлгани яхши эмасми? Кишилар номи пухта ўйлаб, далилларга асосланиб маҳаллаларга берилса нур устига аъло нур бўлади.

Инобат НОДИРШОҲ қизи.

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги Наврўз маҳалласи фуқароси Махарам Ҳасанов томонидан битилган шикоятнинг қисқача мазмуни тахминан қуйидагича эди:

«... Собиқ хотиним Ҳасанова Гулжаҳонга Наврўз маҳалласи томонидан шу йилнинг 17 июнь куни берилган қизим Ҳасанова Назилянинг ҳеч қаерда ишламаслиги ва онасининг қарамоғида эканлигини тасдиқловчи маълумотнома нотўғри берилган. Менда қизимнинг ишлаётганини тасдиқловчи ҳужжатлар бор. Мен ушбу ҳужжатларни маҳалламиз оқсоқоли Г.Алехьянца тақдим этдим ва нотўғри берилган маълумотномани бекор қилишини сўрадим. У маълумотнома бекор қилинганлиги ҳақида менга берган баённомасидан мен қониқмадим. Оқсоқолимиз томонидан 2001 йилнинг 12 мартида шу қизимга берилган худди шундай маълумотнома туфайли мен моддий зарар кўриб келмоқдаман...»

Кўриниб турибдики, шикоятнинг матнидан масаланинг моҳиятини тушуниш қийин. Нима учун М.Ҳасанов маҳалла томонидан қизига бор-йўғи болалар боғчаси учун берилган маълумотномага ёпишиб олди ва бекор қилишларини қаттиқ туриб сўраяпти? Умуман, маълумотноманинг унга нима дахли бор? Яна устига-устак, нега маҳалла унга тақдим этган ҳужжатдан қониқмаяпти? 2001 йил 12 мартда берилган маълумотнома қандай маълумотнома ва унга қай йўсинда зарар келтирди экан? Бу ҳолатни таҳририятга биринчи ташрифида у шундай изоҳлади:

- 1996 йилда Республика Ички ишлар вазирлиги Транспорт ички ишлар бошқармаси ходими Шавдиров Шуҳрат қизим билан танишиб, бизникига кела бошлади. Мен бунга қарши эдим. Собиқ хотиним эса қизим томон бўлди. 1999 йилнинг май ойидан бери хотиним Ҳасанова Гулжаҳон билан никоҳим бекор қилинган. Мен II гуруҳ ногирони бўлганим учун оладиган нафақамдан учинчи қизим Ҳасанова Наргиляга у вояга етгунга қадар алимент тўладим. 2001 йилда мен катта қизларим Наргис ва Назилядан алимент ундириб беришларини сўраб судга мурожаат қилгандим. Ўшанда суд менинг аризамни қондирмади, сабаби, маҳалла қизимни ишламайди, деб маълумотнома берганди. Эндиги маълумотнома ҳам шундай мазмунда берилган. Уни бекор қилдилар, лекин бу жараён нотўғри ҳужжатлаштирилди.

Унинг ҳаяжонланиб гапириши чиндан бир гуруҳ одамларга қарши бир ўзи курашаётган киши эканлигини сездириб турарди. У нуфузли газетада чоп этилган мақолани кўрсатди. 1999 йилда ушбу нашрда М.Ҳасановнинг шикояти асосида уни ёқлаб мақола чоп этилган экан. Мақолада Ички ишлар ходимининг бир оиланинг барбод бўлишига, оила бошлиғи - қария М.Ҳасановнинг (М.Ҳасанов ўшанда 61 ёшда эди) уйдан қувилиб, унинг изтироблларига сабабчи бўлганлиги баён этилади. Мақолада қаҳрамонларнинг исми-шарифлари ўзгартириб берилади. Кейин ушбу мақола юзасидан кўрилган чоралар хусусида мутасадди ташкилотнинг жавоб хати, яъни Шуҳратга огоҳлантириш берилганлиги эълон қилинади. Яна бир ҳужжат - Шуҳрат ишлаётган муассаса раҳбарларига ҳам шикоятлар ёза-ёза уни ишдан бўшатилганлигини тасдиқловчи олган жавоб хатини ҳам М.Ҳасанов алоҳида мамнуният билан намойиш этди. Унинг ҳужжатлар йиғилган семиз қоғоз жилдида М.Ҳасановнинг гиёҳванд моддалар истеъмол қилмаслиги ва руҳий хаста эмаслиги, виждонлилиги, жанжалкаш эмаслиги кабилар эътироф этилган маълумотномалар бор эди. Уларни кўрсатар экан «Мана, кўриб қўйинг, қизларим, икки куёвим ва собиқ хотиним бир бўлиб менга «руҳий хаста, гиёҳванд» дея туҳматлар қилишган, кўп маротаба менинг устимдан туҳматлар уюштириб, туман ички ишлар бўлимида сарсон қилишган» деб зорланди. Афсуски, ўзи киши айтишга уяладиган айблар билан анчагина муддатга «ўтириб чиққани», оила аъзоларини унинг устидан кўп йиллардан буён шикоят қилишга мажбур этган ишлари ҳақида айтмайди. Кейин маълум бўлишича, баъзан маҳалла оқсоқоли ундан безор бўлганидан, азбаройи ундан «қутулиш» учун у қандай хоҳласа, шундай ҳужжат берган, қизиғи, баъзи ҳужжатларни М.Ҳасановнинг ўзи ёзган экан!

Наврўз маҳалласи оқсоқоли Г.И.Алехьянц меҳнат таътилида бўлгани учун у билан боғланишнинг имкони бўлмади. М.Ҳасанов қолдирган ҳужжатлар ичида ўртанча қиз Ҳасанова Назиля ишлаётган ишхона фаолиятига оид ҳужжатлар ҳам бисёр эди. Улар юридик, молиявий ҳужжатлар. Ота улардан қизи билан вақтинча ярашган пайтларда ҳар эҳтимолга қарши унга билдирмай нусха олиб қўйган экан? Наргиснинг аризаси расмийлаштирилмай қолган экан. Энди М.Ҳасанов собиқ хотини ва болаларини шу баҳона туҳматчиликда бемалол айблаб юрибди. Аммо М.Ҳасановнинг аввал ҳам шундай хатти-ҳаракати учун судланганини ҳисобга олсак-чи?!

Гулжаҳон опанинг қарийб ўттиз йил давомида эрининг барча таҳқирларига чидаб келган бардош торлари ана шунда узилди, турмуш ришталарини шарт узишга ана шу воқеа сабаб бўлди. Бу ҳовлида тинч яшашга имкон бўлмагач, опа-сингил Ҳасановалар ва уларнинг онаси ҳатто Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман)га, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига мурожаат йўллайдилар. Уйни сотиб, алоҳида яшаш таклифлари айтилди. Аммо, М.Ҳасанов... Бу орада Назиля ва Шуҳрат фарзандли бўладилар. Энди уччала опа-сингил ва она вақтинчалик Назиля билан яшайдилар. Чунки шундай қалтис вазиятда М.Ҳасанов билан бир ҳовлида туриш... Гулжаҳон Ҳасанова маҳалла йиғинида «Мен қизларим билан вақтинча ўз уйимда истиқомат қилолмайман. Собиқ эримнинг бизга нисбатан доимий таҳдидлари туфайли уй-жойимизни суд орқали ажрим қилиб олгунимизча биз бу ерда туролмаймиз. Бизнинг бу ерда вақтинча яшаслигимизни узрли деб ҳисоблашларингизни сўрайман», деган мазмунда ариза қолдиради. Бироз вақт ўтгач, М.Ҳасанов маҳалла кенгаши аъзоларини, оқсоқолни уйига ёзма равишда чорлаб собиқ хотини ва қизлари бу ерда мунтазам яшамаётганликларини «далил»лайди, шу ҳақида йиғилиш баённомасини расмийлаштиришни талаб қилади. Котиб томонидан ёзилган баённоманинг мазмуни ҳар галгидек М.Ҳасановни қониқтирмайди ва у ўз қўли билан баённома ёзиб, уни тасдиқлашларини талаб қилади. Оқсоқолнинг рад жавоби учун унинг устидан «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмасига шикоят ёзади. Бу шикоят яна бир йиғилишга сабаб бўлади. Хуллас, охир оқибат М.Ҳасанов томонидан битилган баённомани оқсоқол имзолайди, муҳр билан тасдиқлайди. Шу ўринда оқсоқолнинг М.Ҳасановга тартибга хилоф бўлсада ён босиши, унинг оқсоқолга айтганимни қилдираман деб ўйлашига сабаб бўлган тоғи. Лекин ўшанда М.Ҳасановнинг собиқ хотини ва қизларини уйдан маҳрум қилишдаги уринишлари иккинчи томоннинг мутасадди идораларга ўз вақтидаги мурожаатлари туфайли зое кетади.

Афсуски, М.Ҳасановнинг шундай «қобилияти» натижасида чоп этилган (бизнингча, у таҳририятни ишонтирган) мақолада М.Ҳасанов ўзининг собиқ хотини ва қизларини эмас, улар М.Ҳасановни уйдан маҳрум қилмоқчи бўлганликлари эътироф этилади. Чунки бу мақола фақат М.Ҳасановнинг гаплари асосида ҳамда воқеа жойида, тарафлар иштирокида ўрганилмай ёзилган эди.

2001 йил 12 мартда Миробод фуқаролар ишлари бўйича туманлараро суди М.Ҳасановнинг қизларидан алимент ундириб беришни сўраб ёзган аризасини кўриб чиқади. Ўша пайтда қизларнинг каттаси Наргис болалар боғчасида ишлаб олаётган маошидан алимент тўлаш имконига эга бўлмагани ва эрининг вақтинча ишламаётганлиги, Назиляннинг эса туғруқ таътилида экани боис ишламаётгани М.Ҳасанов «Менинг моддий зарар кўришимга сабаб бўлди» деб таъкидлаётган маълумотнома шу муносабат билан берилган) сабабли ариза қондирилмайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, М.Ҳасановга маҳалла оқсоқолидан бировларга тегишли бундай ҳужжатлар талаб қилишга унинг ҳуқуқи йўқлигини, шу йилнинг 17 июнида боғча учун берилган ушбу маълумотноманинг унга ҳеч қандай дахли йўқлигини ҳарчанд уринмайлик тушунтириб бўлмади! Хуллас, у оқсоқолдан шикоят қилиб аввал «Маҳалла» жамғармаси Миробод тумани бўлинмасига, сўнгра жамғарманинг шаҳар бўлимига мурожаат қилади. У манзилларда муҳокамадан ўтгач, бу маълумотнома бекор қилинганлиги унга ёзма равишда билдирилди. Лекин у ҳамон рози эмасди. М.Ҳасановнинг навбатдаги мурожаат манзили таҳририятимиз бўлди. М.Ҳасанов ҳатто бизга ҳам мақолани қандай ёзишимизни «ўргатиб турди». Ҳатто иккинчи томон иштирокида бўладиган муҳокамани нега керак, деб ҳайрон бўлди.

У бизга шундай маълумотнома яъни судга тақдим этилиб, мен моддий зарар кўрдим, яъни қизларимдан алимент олишдан маҳрум бўлдим, дейди. Кейин билсак, уни алиментдан маҳрум қилган маълумотнома ҳақиқий яъни унда қизи ростдан ҳам ишламас эди.

Отасининг бошларига солган шунча кўргуликларидан кейин ҳам Назиля билан Шуҳрат унга ёрдам беришга тайёрлар. Шу ўринда қўшниси кекса отахон фарзандларингиз суд орқали эмас, шундоқ ҳам ёрдам берса-чи деганда М.Ҳасанов «Менга садақа керакмас, мен суд орқали алимент ундираман, вассалом!» деганига кўпчилик гувоҳ... Ана мақсад. Шуҳрат ва Назиляннинг тўйи куни алам билан қизининг ортидан даста-даста пулни отгани ҳам унинг мақсади моддий кўмак олиш эмаслигини билдиради. Ҳатто, кичик қизи Наргилянинг паспорт олиши, Назиляннинг бу уйдан рўйхатдан ўчиши учун уй дафтарини бермай қийнаганига ҳам одам ҳайрон қолади. Қизлар оталаридан уйжой, давлат бермагани учун эмас, нима учун уларни атай қийнашга киришиб кетганини тушуна олмай ҳайронлар.

Дарвоқе, М.Ҳасанов билан кейинги гал суҳбатлашганимизда, «Мен сизга фақатгина оқсоқолдан шикоят қилиб келгандим, шунинг учун фақат маълумотнома можаросини ёритасиз», дея чекиниш қилгани ҳам тушунарли. Акс ҳолда, у таҳририят устидан ҳам шикоят қилишга қурби етишини, шикоятбозликнинг заҳматларидан асло толиқмаслигини қайта-қайта уқтирди. Чунки ўша маълумотнома ҳақидаги можаро ҳам унинг собиқ оиласи, қизлари, куёвларига қарши қаратилганлигини ҳамма сезиб қолганлигини у ҳам англади.

Бундай чекинишлар вақтинча эканлигини, ўзида қизларга қарши бирор ҳужжат пайдо бўлди, дегунча ҳужумга ўтишини қизлари яхши тушунишади. Ҳозирча унинг тутиб турган баҳонаси боғчага берилган нотўғри маълумотнома холос. Шуҳратнинг «Ўз ишимни тиклаш учун урингим келади, лекин...» дейишида ҳам маъно бор-да.

М.Ҳасанов билан дастлабки учрашувимизда унга раҳмимиз келганди. Айни дамда унга янада кўпроқ раҳмимиз келмоқда. Айниқса, яқинда тўйи бўлажак кенжа қиз Наргилянинг отасига қараганда, унга гапирганда нафратдан чақнаган кўзларини, сўзларини эсласак... катта куёвининг хотинини бағрига олиб қайнотасига нафрат кўзи билан боқиб туриши, ўртанча куёв шу одам туфайли йўқотганларини ичига ютиб, сохта кулги қилиб ўтириши бунинг устига муҳокамада она ва фарзандлар, куёв ва неваралар бирбирининг бағрига кириб, ота ва фарзандлар ўртасидаги бу ғаройиб курашда жипсликда туриши, бу оилада фарзандлар ўз отасини ота дея олмаслиги, яъни ёзғанда қўштирноққа олиш гарчи М.Ҳасанов юз фоиз ҳақ бўлганда ҳам унинг фожиаси эмасми? Афсуски, у бугун нақадар аянчли аҳволда қолганини тушунишини хоҳламайди ҳам. Ҳаммаларнинг сўзини бир пуд қилиб қулф осиғлик уйини очади-ю, кириб кетади нафас ростлашга. Бу уйга ҳеч ким мўралаймайди ҳам, лекин унда қандай режалар тузилаётгани ҳаммани хавотирда ушлаб туради. Бу эса янада каттароқ фожиа!

Чори ЛАТИПОВ,
Мавлуда ҚОСИМОВА.

Қўштирноқ ичида қолган ОТА?!

ёки ўз фарзандлари билан курашаётган киши ҳақида

Оилангиз тинчми?

Ҳар ҳолда бугун керак бўлиб қолди-ку.

...Назиля ва Шуҳрат билан суҳбатлашгач, кейинги олти-етти йил ичида бу оилада кечган воқеалардан ҳайронлигимиз ўн чандон ортди. Улар М.Ҳасанов турли идораларга ёзган шикоятларида таъкидлаганидек, кўнгил хушлик қилиб эмас, отани уйдан қувиш учун эмас, ростакам оила қуриш учун танишишган ва бугун унга эришишди ҳам. Ҳасановлар хонадонида оиланинг барча аъзоларини жамлаб, М.Ҳасанов билан юзма-юз суҳбатлашганимиздан сўнг эса янада кўп нарса ойдинлашди. Гулжаҳон Ҳасанова «Агар иложи бўлганида эди, мен сизларга баданимда бу золимнинг калтакларидан қолган чандиқларни кўрсатар эдим», деганда бу аёлнинг қалбидаги чандиқлари ҳам танасидагилардан ҳеч эмаслигини ҳис қилдик. Қизлар эса... отанинг «қилиқ»ларини тортиниб-тортиниб бўлса-да, айтишди.

Шунга қарамай, Наргис ва Назиля онасининг саъй-ҳаракатлари билан махсус мусиқа мактабини, кейин Юнус Ражабий номидаги мусиқа коллежини имтиёзли дипломлар билан тамомлаганлар. Бир нечта Фахрий ёрлиқлар, оилага махсус топширилган «Ташаккурнома» ва матбуотда эълон қилинган улар ҳақидаги мақолалар опа-сингилларнинг намунали ва тиришқоқ ўқувчи, талаба бўлганларини тасдиқлайди. Ҳар ҳолда, бу қизларнинг бугун ҳам «отабезори» эканликларига ишониш қийин.

Назиля отасининг уруш-жанжалларидан безиб Шуҳрат билан бирор ой уйдан кетиб, қариндошларникида яшайди. Чунки Шуҳрат бошқа шаҳардан келган эди-да. Шунда ота уларга ён босгандек бўлади, ёшлар ота уйида икки ой муддат яшайдилар ҳам. Бироқ жанжаллар яна авж олади. Ноилож ёшлар ижарага уй олиб, алоҳида яшай бошлайдилар. Бу можароларга маҳалла оқсоқоли, қўни-қўшниларнинг, участка нозири ва туман ички ишлар ходимларининг аралашувлари ҳам барҳам беролмайди. Бир сафар навбатдаги жанжалдан сўнг М.Ҳасановдан безорилиги учун жазо сифатида давлат фойдасига жарима ундирилади. Бу чорадан ҳам наф бўлмайди. Кўп ўтмай тўхтовсиз жанжаллардан ва тажовузлардан безор бўлиб Назиляннинг онаси ва кенжа синглиси ҳам унинг ижара уйидан паноҳ топадилар. Уйда қизларнинг каттаси Наргис қолади. Кунларнинг бирида, тўғрироғи, тунларнинг бирида кайфи баланд ота қизига... Қиз кўчага отилади. Шу куйи қиз бечора қўшни аёлникида тонг оттиради... М.Ҳасановнинг бу хатти-ҳаракати устидан ҳуқуқ тартибот органлари жиноий иш қўзғашни рад этадилар. Тўғри, тасдиқловчи ҳужжатлар етишмади. Аммо қўшнилар бу ҳақда, аниқроғи қизнинг қўрқув исканжасида уйдан қочиб чиққани ҳақида гапириб, гувоҳлик кўрсатмаларини бериб турсалар-чи?! Кейин маълум бўлишича, участка нозирининг хатоси билан бу ҳужжатлар, хусусан,

" Эл нетиб топгай мениким ..."

«ЎТМИШИНИ УНУТМАГАН ХАЛҚ УЗОҚ ЯШАЙДИ»

*** «9 ёшимдан буён жамият хизматидаман».**
*** «Отам «Алпомиш»ни ўқиса, эшикни қулфлаб қўярдик».**
*** Чинниқоп... Уни нима мақсадда ишлатишган?**
*** «Суюнчи»га нечта чопон берилади?**
*** «Бахт –юртингга кераклигингда!»**

Ўзбекистон Давлат Санъат музейининг директори, «Дўстлик» ордени соҳибаси **Насиба ИБРОҲИМОВА** билан мулоқот

Суҳбатдошимиз ҳақида :
Мутахассислиги - журналист. Ижодий фаолиятини 9 ёшидан бошлаган. Дастлаб радиоэшиттиришларда, сўнгра телекўрсатувларда иштирок этган. 200 дан ошиқ фильмларга овоз берган. 1959 йилда республика телевидениесига сухандонликка қабул қилинган. Узоқ йиллар давомида бу касбни санъат даражасига етказгани учун «Республикада хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатди. Айни вақтда Ўзбекистон Давлат Санъат музейининг директори.

- Насиба опа, аксарият кишилар сизнинг исмишарифингизни эшитиши биланоқ анча йиллар бурун телевидениеда сухандонлик қилган хушчеҳра аёл қиёфасини кўз олдига келтиради. Бу аёлнинг кейинги тақдири қандай кечганлиги эса бу кун кўпчиликни қизиқтириши табиий. Ваҳоланки, сиз кейинчалик бир неча масъул вазифаларда ҳам иш юритдингиз. Агар ўша йилларни хотирласангиз, хаёлингиздан нималар кечади?

- Ишчилар шаҳарчасида жойлашган Кўмирхона маҳалласидаги шинамгина ҳовли... Шу ҳовлига туташиб кетган сермева боғ... Биз шохларига осилиб ўйнайдиган бир туп улкан бобоёнғоқ... Кеч кузакда тўкилган олмаларни узоқларга оқизиб кетгувчи қадрдон анҳор... Буларнинг ҳаммаси болалигимнинг ўчмас манзараларидир. У кезларни эсласам, отамнинг қирқинчи чироқ пилигини пасайтириб, «Алпомиш» ва «Ўткан кунлар»ни қироат билан ўқиётгани қулоқларимда қайта жаранглай бошлайди. Бу китобларни ўқиш таъқиқланган боис, отам уларни паст товушда ўқир эдилар, биз эса эшикни ичкаридан қулфлаб, нафас чиқармай эшитардик. Гоҳида маҳалла кексалари ҳам «Исмоилхўжа, «Меҳробдан чаён»ни яна бир марта эшитайлик, юринг» деб чақириб кетишарди. Отам ўқимишли, зиёли киши эдилар. Онам эса ўта саховатли, қалби дарё аёл бўлганлар, дунёга меҳр кўзи билан қарардилар. Одамлардан муруввати, шафқатини ҳеч аямасдилар. Биз оилада 7 ўғил-қиз аҳилу иноқ, камтарона яшардик. Ёдимда, сухандонликка ўтган пайтларимда ҳали мактаб ўқувчиси эдим, ишга опамнинг кўйлагини кийиб борардим. Биттагина туфлим бор эди. Катта асфальт йўлдан уйимиз томон буриладиган кўча бошида ҳар кеч онам қўлларида калиш билан мени кутиб турардилар. «Туфлинг лой бўлади, манавини кийиб ол» дердилар. Отамнинг «Тўғри яшанглар. Бировдан беҳудага қарз олманглар. Кўчадан топилган нарсани уйга олиб кирманглар» деган ўгитлари бир умр қулоғимизда қолган...

Менимча, одамлар доимо ўзаро меҳр-оқибатли бўлиб, бир-бирларига суяниб яшашса, машаққатлар осонгина енгиб ўтилади. Мен ҳам ота-онам, жону жигарларим в а маҳалламиздагиларнинг қўллаб-қувватлашлари туфайли яхши инсон бўлишга ҳаракат қилдим, қийинчиликлардан чўчимадим, ҳаётда ўз ўрнимни топдим, шекилли...

> –Истиқлол менга жуда кўп имконлар баробарида жуда кўплаб маънавий мукофотлар ҳам берганлигини тан олишим керак. Демак, мен юз карра бахтли аёлман демоқликка ҳақлиман, – дейди Насиба опа.

- Шарқ маданияти неча асрларки, дунё халқларини ҳайратга солиб келаётганлиги рост. Бу маданият нафақат бизнинг турмуш тарзимизда, балки бошқа миллатларникига ўхшамаган ўзбекона фазилатларимизда ҳам акс этади. Сизнингча, биз Истиқлолга эришиб, ўзлигимизни таний бошлаганимиздан сўнг чинакам маданиятли эканимизни намоён эта олаяпмизми?

- Истиқлол имконлари чинакам маданиятли, янги давр кишиларини кашф этди. Қаранг, ҳақиқий санъат ва маданиятнинг сарчашмаси, ижодкори халқимизнинг ўзи экан!

Ўзга юртлар саҳналарида ўзбекча «Муножот» ва «Ушшоқ»лар янграётгани, чет давлатларда ўтказилаётган халқаро кўргазмаларда қатнашган юртдошларимиз совринли ўринларни эгаллаётганликлари, юзлаб йигит-қизларимизнинг дунё мамлакатларидаги нуфузли дорилфунунларда таҳсил олиб қайтаётганликлари билан фахрланмай бўладими, ахир?!

- Маълумки, музейлар ўтмишимизнинг бир бўлаги. Бу жиҳатдан ҳар бир музейнинг ўз ўрни, ўз аҳамияти бор...

- Албатта. Ахир музей - тирик тарих, унда қадимги халқнинг турмуш тарзида қўлланилган ҳар бир буюм асл ҳолича сақланади. Ушбу буюмларни (аслида уларни буюм дейишдан кўра асар дейишни хуш кўраман, негаки ҳар бири халқ ижодининг маҳсули) кўздан кечириб гоҳо ҳайратда қоламан. Мана қаранг, атрофлари нозик кашталар билан безатилган, ўртаси дўппайиб турган ва очиқ томони пишиқ-пухта иплар билан боғлаб маҳкамланадиган қалин матодан қилинган бир жиҳознинг нима мақсадда ишлатилганини билгач шундай ҳайратланганманки! Ўша жиҳознинг ёрлиғини олиб ташлаб, бир неча ҳафта қўйдик. Келиб-кетувчилар унинг нималигини ҳеч айтиб беришолмади. Ҳатто тарихчи зиёлилар ҳам буни билишмади. Қизиқишавергач, жиҳознинг ёрлиғини кўрсатдим. Бу «Чинниқоп» бўлиб, узоқ сафарларга чиқилганда чинни идишларни синдирмасдан олиб юриш мақсадида қўлланилган. Боболаримиз савдо карвонлари билан сахроларда йиллаб, ойлаб юрганларида ҳам асл чинни идишларда таом ейишни, ўзларига зеб бериб, кийим-кечакларини озода тутишни асло унутишмаган экан!

Ҳали таъкидлаганимдек, музейга қўйилган ҳар бир асар - тирик тарихдир. Яна бир асар - қалин зардўзи иплар билан ҳошиялаб тикилган чопон кўпчиликнинг қизиқишини уйғотади. «Нега бу чопон бунчалик кенг?», «Илгариги одамлар шунчалик катта чопонда қандоқ юришган?» сингари саволлар бу ерга келиб-кетувчи ҳар бир томошабиннинг хаёлидан кечиши турган гап. Аслида бу чопон хушхабар олиб келган элчиларга совға сифатида тақдим этилган. Хушхабарни қай даврага етказмасин унинг эгнига чопон ташлайверганлар. Демак, «хушхабарчи»нинг бир неча қават чопон кийишига тўғри келган. Шу учун ҳам «суюнчи» учун кийдириладиган чопонлар кенг-мўл қилиб тиктирилган. Умуман, музейга қўйилган ҳар бир асарнинг қай мақсадда қўлланилганини билишни истасангиз жуда ғаройиб маълумотларга эга бўласиз деб айта оламан.Бу ерда иш бошлаган чоғларимда музей томошабинлари 4,5минг нафарни ташкил этарди. Ўтган беш йил ичида бу рақам 68мингдан ошди. Менимча, ишга масъулият ҳиссини ошириш эвазига бунга эришдик.

- Ўзингизни бахтли аёл деб ҳисоблайсизми?

- Ҳаёт мени жуда эрта улғайтирди. Тенгдош дугоналарим «Сопалак» ўйнаб юрган кезларида мен ишлардим. Ҳали радиога, ҳали телевидениега чақиришарди. Ўз устимда ишлаш, ўқиб-ўрганиш, сўнг университетда таҳсил олиш ва яна хизматга қатнаш, бари-бариси бир-бирига уйғунлашиб, бир-бирини тўлдириб, менинг ҳаётимда ёрқин бурилишлар ясар эди. Тинмай олдинга қараб борардим. Республика телевидениеси мени катта ҳаёт йўлига етаклаб чиққан улкан мактаб бўлди. 21 йиллик умрим шу даргоҳда кечди. Кўп йиллар мафкуравий ишларда хизмат қилдим. Оила қурдим. Уч нафар фарзандларни тарбиялаб, элга қўшдик. Ўйлаб қарасам, салкам 45 йиллик меҳнат фаолиятимда бахтга, эзгуликка интилиб шу баробарида ўзимга йўл очиб яшаган эканман. Менга кўпчиликнинг ҳаваси келади, буни яширмайман. «Сиз бахтли аёлсиз-а!» дегувчилар ҳам кўп. Ахир тўққиз ёшимдан то ҳозиргача жамият хизматида, одамлар орасидаман. Тўғри яшаш ҳам бир бахт экан, деган хулосага келаман. Бироқ, бахт жуда улуғ тушунча, уни фақат шахсий ютуқлар билангина ўлчасак унчалик тўғри бўлмайди. Менимча, она юртнинг осойишталиги, ён-атрофингдагиларнинг шодумонлиги, Ватаннинг равнақи, озодлигини кўриш киши ўзининг шу юртга ҳар лаҳза, ҳар сонияда керак эканлигини ҳис этиб яшаши тўлақонли бахт бўлса керак. Ҳа, чинакам бахт шу! Мен буларни ўйласам, бахт туйғуси кўнглимни чароғон қилиб юборади.

Суҳбатимиз ниҳоясида мен бир томошабиннинг ушбу музейдан олган таассуротидан сўнг қоғозга туширган ёзувларини ўқиб қолдим: «Зинапояга яқинлашар экансиз, стул суянчиғига бош қўйганча ухлаб ётган одамга кўзингиз тушадию, бу кутилмаган ҳолатдан ҳайратда қоласиз. Кўнглингиздан «Тавба, одамларнинг кўз олдида бемалол ухлашини-чи, бунинг!» деган фикр кечиб улгурмай, қаршингизда қаддини ғоз тутиб турган ҳарбийга нигоҳингиз тушиб беихтиёр у билан саломлашасиз. Саломингиз жавобсиз қолгандан сўнггина уларга жиддийроқ эътибор қаратасизу, кўрганларингиз одамлар эмас, балки мумдан ясалган ҳайкаллар эканини англаб, таажжубингиз янада ортади. Залдан залга ўтган сари ҳайратингиз ортса ортадики, асло камаймайди...»

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

МАЛАЙЗИЯ:

ЁМОН ТАКСИЧИЛАР ТУРИЗМ ДУШМАНИ

Малайзия туризм вазири Абдул Қодир Шайх Фадзир туристларга ёмон муносабатда бўлаётган такси ҳайдовчиларини «девор олдига турғазиб қўйиб, отиб ташлаш керак» деган фикрни билдирган.

Малайзияга хорижлик ташриф буюрган сайёҳларга қўпол муносабатда бўлаётган ва уларнинг ҳамёнини «шилаётган» таксичилар «жиддий муаммо»га айланмоқда. Жаноб Абдул Қодир «New Straits Times» газетасига берган интервьюсида мамлакат ҳукумати Малайзияга чет эллик туристларни жалб этиш мақсадида жуда кенг кўламда ишларни амалга ошираётганига эътиборни қаратган.

- Ўзи учун нотўғри йўл танлаган такси ҳайдовчилари - ватанимиз ҳоинлари. Бундай муттаҳамларни девор олдига турғазиб, отиш керак, - деган туризм вазири. - Бу уларнинг гуноҳига яраша жазодир.

Абдул Қодир Шайх Фадзир хорижлик сайёҳлардан тушган бир қатор шикоятларни кўрсатаркан, кўчаларда ватандошлари билан суҳбатларда бундай ҳолатга ўзи ҳам гувоҳ бўлганини таъкидлаган.

Вазир Малайзия ҳукумати такси компанияларн транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказишлари учун тўлайдиган ҳақни кўтариши мумкинлигига эътиборни қаратган. Абдул Қодир Шайх Фадзирнинг айтишича, бундай бўлмаслиги учун компаниялар таксичиларга талабларни кўтариши зарур.

ГРЕЦИЯ:

ОЛИМПИЯ ТРАМВАЙИ

Афина кўчаларида олимпия травмай изларининг дастлабки рельслари ётқизилди.

Бу трамвай йўли 2004 йили Греция пойтахтида ўтказиладиган ёзги олимпиада вақтида ўйинлар иштирокчилари ва меҳмонларга хизмат кўрсатувчи энг тез транспорт воситасига айланиши кўзда тутилган.

Уларда ҳар куни ўрта ҳисобда 80 минг киши ташилиши режалаштирилмоқда. 5 миллионлик аҳолиси бор Афинадай кичик шаҳарда транспорт - ташкилотчилар ҳал қилиши лозим бўлган энг катта муаммолардан бири.

ХИНДИСТОН:

ОЧКЎЗДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Хиндистон жанубидаги ресторанлар эгалари 60 ёшли Раппайнинг дастидан дод дейишга мажбур бўлишмоқда.

Зеро, ушбу «тўймас» хўранда уларнинг бозорини касод қилиши ҳеч гап эмас шекилли.

Бу ердаги таомилга кўра, хўранда таомга пул тўлайди, аммо нон ва чойни шу ернинг ўзида тўйгунича бепул истеъмол қилиши мумкин.

120-килограмм вазнга эга Раппай фақат нонушта вақтида 70 та нон еб, 2 литр чой ича оларкан. Умуман олганда, Британиянинг «The Daily Telegraph» ёзишича, Раппай тахминан 20 ўртамиёна хўранда билан теппатенг овқат ер экан.

Очкўздан «жабрланган» ресторанлардан бири ҳатто «Раппайдан эҳтиёт бўлинг!» деган ёзувли плакатларни шаҳар бўйлаб кўзга кўринадиган жойларга ёпиштиришгача етибди.

"Ҳидоят" гулшанидан

Яхши гумон

" Ҳидоят" журналининг янги – 6- сони ҳам ўқувчилар қўлига етди. Биз газетхонларимизга унда ёритилган мақоладан парча ҳавола этамиз.

Ҳакимжон ака ишдан қайтаётиб нуроний мўйсафидга «Ассалому алайкум!» дея салом берди. Аммо мўйсафид алик олмай индамай ўтиб кетаверди.

Ҳакимжоннинг жаҳли чиқди: «Вой-бў, яна мусулмончиликни даъво қилганини-чи... Ё бурни шунчалик кўтарилиб кетганми? Энди асло салом бермаганим бўлсин!»

Жаҳли чиқиб тутоққан Ҳакимжон чолни орқасидан маломатларга кўмиб ташлади. Орадан кўп ўтмай ўша Абдураҳмон ота бандаликни бажо келтирди. Ўшанда рамазон ойининг охирги даҳаси эди. Жаноза жума кунига тўғри келди. Тумонат одам йиғилди. Марҳумни сўнгги манзилга қўйиб келишди.

Одатга биноан Ҳакимжон ҳам эл қатори эртасига Абдураҳмон ота хонадонига таъзия билдиргани борди. Отанинг эшик олдида қўл қовуштириб турган ўғилларига ҳамдардлик билдирди, сабр тилади. Отанинг тўнғич ўғли падари бузрукворининг қилиқ ва фазилатларини хотирлар экан, гап орасида шундай деб қистириб ўтди:

- Кейинги вақтларда отамизнинг қулоқлари анча оғирлашиб, унча-мунча гапни эшитмайдиган бўлиб қолган эдилар.

Шу пайт лоп этиб Ҳакимжоннинг эсига кўнгилда доғ қолдирган ўша салом-алик воқеаси тушди. «Наҳотки Абдураҳмон ота ўшанда саломимни эшитмай ўтиб кетган бўлсалар?» Таъзиядан кўнгли хижил бўлиб қайтган Ҳакимжон ҳасрат билан «Астағфируллоҳ» деб юборди. Аликсиз қолдирилган саломи учун чолни билимсиз, нодон, кибрли кимсага чиқариб, маломат тошларини ноҳақ ёғдирганига надоматлар чекди. «Ахир, кекса кишининг қулоғи оғирлашиб қолиши мумкин-ку, наҳот шунга ақлим етмаса?» деб ўзини анча койиди.

Хуллас, ўша воқеа Ҳакимжон учун катта сабоқ бўлди. Энди бирон-бир иш ё воқеага муносабат билдиришдан олдин мулоҳаза қиладиган, яхшиликка йўядиган, яхши гумон қиладиган бўлди. Яқинда яна ўшанга ўхшаш ҳодиса қайтарилди: бир қария саломини эшитмай ўтиб кетиб қолди. Ҳакимжоннинг кўнглидан «Отахоннинг қулоқлари оғирроқ шекилли ёки Аллоҳнинг зикри билан бўлиб саломимни эшитмай қолдилар», деган яхши гумон ўтди.

***

Дарҳақиқат, инсон шошқалоқ. Ўзимиз билган-билмаган одамлар ҳақида, биз кўрган-кўрмаган воқеалар хусусида шошилинч ҳукмлар чиқарамиз. Бир биродаримиз дунё ташвишларига ғарқ бўлиб, бизни кўрмай ўтиб кетса, хулосамиз тайёр: «Намунча кеккаймаса, пули кўпайиб кетибди-да!»

Ёки синглиси, рафиқаси билан машинада кетаётган дўстимиз ҳақида ёмон фикрга борамиз: «Бу чиройли аёл билан қандоқ танишдийкин?»

Ёхуд яхшилик маъносида айтилган сўз ё қилинган ҳаракатдан дарров шубҳага борамиз: «Нега менга бунча меҳрибон бўлиб қолди, бир балоси бўлмасин тағин...»

Бирор дўстимизнинг кайфияти нохушроқ ҳолда сўрашганини кўриб, ундан душман ясаймиз: «Ўзи анчадан буён олақараш қилиб юрувди, гап бу ёқда экан-да!»

*Ёмон гумонларга боравераміз, маломатлар қилаверамиз, гуноҳларимизни кўпайтираверамиз. Борингки, аслида шундай бўлмаганда ҳам, негадир яхши гумон қилмаймиз. «Шошиб, кўрмай ўтиб кетгандир?» демаймиз; «Синглисини олиб кетаётгандир» деб ўйламаймиз; «Менга бирор яхшиликни кўзлаётгандир», деган хаёлга бормаймиз; «Эҳтимол тоби йўқдир, шунга нохуш сўрашгандир», дея хулоса чиқармаймиз. Ваҳоланки, Қурьони каримда: **«Эй мўминлар, кўп гумондан четланинглар, чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир»** (Ҳужурот, 12, мазмуни), деб марҳамат қилинган. Бошқа бир ояти калимада эса: **«Уларнинг кўпчилиги гумондан бошқа нарсага эргашмайди. Албатта, гумон ҳеч бир ҳақиқатни англатмайди»** (Юнус, 36, мазмуни), дейилган. Фатҳ сурасининг 12-ояти мазмуни бундай: **«...Ва ёмон гумон қилдингиз ва шу билан ёмон қавм бўлдингиз».***

Одамлар тўғрисида ёмон гумон қилиш ҳаромлиги уларга шу гумон туфайли сўзда ёки ишда зарар етса собит бўлади. Аммо яхши гумоннинг таъсири борми-йўқми, барибир мандубдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бу ҳақда: «Мўминлар ҳақида яхши гумонда бўлинглар», деганлар.

Қурьони карим жамиятнинг гумонлардан тозаланиши учун виждонларни ёмон гумондан поклашга даъват этади. Чунки ёмон гумон ва ишончсизлик жамият аъзолари ўртасидаги инсоний муносабатларнинг бузилишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда ахлоқсизликни ва тарқоқликни вужудга келтиради. Шу боисдан ҳам Ислом дини оятлар ва ҳадислар орқали жамиятни бундай иллатлардан халос қилишга уринади.

Аҳмад МУҲАММАД ТУРСУН.

Наманган.



Она замин саховати, олтин куз неъматлари бозорларимиз кўрки.

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

«ОТАЛАР ЧОЙХОНАСИ» ОЧИЛДИ

Навоий туманидаги Маликработ шаҳарчасининг Маликработ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 50 ўринли «Оталар чойхонаси» ҳашар йўли билан қуриб битказилди. Бу чойхона туман ҳокимлигининг кўмаги билан жиҳозланди.

Яна бир чойхона Хатирчи туманининг Янгиработ шаҳарчасидаги Самарқанд маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида очилди. Маҳалла фаолларидан бири Собиржон Содиқов ҳомийлигида ишга тушган «Оталар чойхонаси» барча қулайликларга эга.

Чойхоналарда «Mahalla» газетаси тахламлари ҳам бор.

МУХБИРИМИЗ

Маҳалламиз одамлари

ТЎЙЧИ ҲОФИЗНИНГ НАБИРАСИ – МАҲАЛЛА ЖОНКУЯРИ

Гулбозор маҳалласидан кўплаб илм-фан, санъат ва маданият арбоблари етишиб чиққан. Машҳур Тўйчи Ҳофиз, Карим Зокировлар сулоласи - Ботир Зокиров, Фаррух Зокиров ҳамда таниқли ҳофизлар Шораҳим ва Шожалил Шоумаров ва Шоқосим, Шоолим ва Шоакбар Шожалиловлар шу маҳаллада яшаб, ном чиқарганлар.

Ҳасан ака эса машҳур Тўйчи Ҳофизнинг суюкли набиралари. Ҳасан аканинг феъл-атворида буюк ҳофизнинг фазилатлари акс этиб туради. Ҳасан ака бобоси сингари бағри кенг, софдил, ҳожатбарор, камсуқум ва камтарин. Ҳофизнинг барча фарзандлари, набиралари, эвараю чеваралари боболари сингари обрў эътиборли инсонлар бўлиб етишдилар.

Ёшлигидан ҳарбий бўлишга қизиққан Ҳасан Тўйчиев 1955 йилда Тошкентдаги ҳарбий билим юртини битириб, собиқ Туркистон ҳарбий округи қисмларида командирлик вазифасини ўтайди. 1964-1966 йилларда Москвадаги ҳарбий академияда таҳсил олади. Шундан сўнг, республика граждан мудофааси Штабининг бошлиғи вазифасида ишлайди. 1990 йилда Полковник унвони билан истеъфога чиқади. Ҳасан ака серғайрат, жасур ва билағон офицерлардан бўлган.

Кўпинча ҳарбийлар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт билан камроқ қизиқадилар. Ҳасан ака эса маърифатли, ўта қизиқувчан инсон. Ёшликданоқ Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев каби санъат усталари билан ҳамсуҳбат бўлганлар. Ҳар қандай мавзуда ҳар қандай киши билан баҳслаша оладилар.

Ҳасан ака 35 йилдан ошибдики, маҳалла ташвиши билан яшайди. Одамлар учун унинг эшиги кечаю кундуз очиқ. Бу инсон фақат савобли ишлар учун туғилгандек. Маҳалла оқсоқолининг доимий маслаҳатчиси сифатида йиғиннинг режалари-ю турли ёзишмаларни бехато ва бенуқсон тайёрлаб берадилар. Ҳасан ака маҳалла ва маҳалла аҳли учун жон куйдирар экан, ҳеч кимдан ҳеч нарса таъма қилмайди, манфаат кутмайди. Шу боис ҳам, етти яшардан етмиш яшаргача, барча ёшу қарилар Ҳасан акани ҳурмат қиладилар, қадрлайдилар. Уни маҳалланинг жонкуяри деб атайдилар. Ҳасан аканинг рафиқалари Тамара опа 40 йилдан ошиқ тиббиёт соҳасида ишлаб болалар соғлиғи борасида жон куйдириб келяптилар. Уларнинг хонадонига маҳаллада ҳамма ҳавас қилади.

Дилбар АБДУЛЛАЕВА,
Ибн Сино номидаги нашриёт муҳаррири.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

«МАҲАЛЛАСИЗ ТУРОЛМАЙМАН...»

Оқсоқоллик ибрати

Бу аёл узоқ йиллар турли лавозимларда фаолият кўрсатиб, эл-юрт ўртасида обрў-эътибор топди. Фақат карманаликларга эмас, балки Навоий вилояти кишиларига азизу ардоқли бўлди.

Раҳимахон опа 15 йил давомида депутат сифатида катта яратувчилик ишларига бош бўлди. Шунингдек у тикувчилик соҳасида ҳам қатор ибратли ютуқларга эришган. 1999 йил «Тўй либослари» Республика кўрик-танловида қатнашиб, «Юксак дид соҳибаси» деган номга сазовор бўлди ва махсус диплом билан тақдирланди. Раҳимахон опа 1998 йилдан Деҳқон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаётир. У фаолиятининг дастлабки кунларидаёқ куч-қувват билан ишга киришди. Тез орада маҳалла обрўсини юксалтирди, унинг ибратли жиҳатларини кўчайтирди. Меҳнатлари эвазига Республика Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси томонидан «Ибратли маҳалла оқсоқоли» фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

- Маҳалласиз туролмайман, - дейди биз билан суҳбатда Раҳима опа. - бирор куним йўққи маҳалла ташвиши билан юрмасам...

Маҳаллада ҳар бир байрам катта тантана билан ўтади. Айниқса «Қайноналар» кўрик танлови, «Иқбол» қизлар конкурсларига ёшу қари бараварига йиғилиб келишади.

дейди Раҳимахон Комилова

Деҳқон маҳалласи фаоллари "Гулчеҳра" фирмасининг совғасини маҳалладаги кам таъминланган хонадон фарзандларига топширмоқда.

Мавжуда Шодиева, Дилбар Қамбаровалар бошқараётган 2 та савдо шахобчаси маҳалла аҳлига беминнат хизмат кўрсатмоқда. Маҳалла ҳудудида тадбиркорлик ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. «Гулчеҳра», «Дилором» тикувчилик фирмаларида кўплаб ёшлар фаолият кўрсатишяпти. Ҳомийлардан бири Гулчеҳра Саидова яқинда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг «Маҳалла жонкуяри» нишони билан тақдирланди. У етакчилик қилаётган «Гулчеҳра» фирмаси маҳаллада ҳаммом қурилишига бош-қош. Маҳаллада гузарни тартибга келтириш ва жиҳозлаш ишларига алоҳида эътибор берилятпти. Спорт ва соғломлаштиришни яхшилаш мақсадида Республика соғломлаштириш маркази билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Айни кунда спорт мажмуаси қурилишига киришилмоқда. Маҳаллада шифокор хонаси мавжуд. Бу ердаги мутахассис ҳафтада икки кун беморларни қабул қилади. Шунингдек маҳаллада «тарбияси оғир» болаларнинг ота-оналари билан алоҳида суҳбатлар ўтказилмоқда. Яқинда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари - ўзига хос мактаб» мавзуида семинар йиғилиши ўтказилди. Бундан ташқари, хотин-қизлар муаммолари, қизларни турмушга тайёрлаш бўйича вилоят Оила маркази билан ҳамкорликда давра суҳбатлари ўтказилаётир. «Ютуқлар билан биргаликда муаммолар ҳам йўқ эмас», дейди опа суҳбат давомида. Мустақиллик байрами арафасида очилиши керак бўлган «Қарияларр чойхонаси» биносининг битказилиши негадир кечиктириляпти. Бино олдида халақит берадиган эски деворларни олиш учун Кармана туман раҳбариятининг рухсатномаси керак экан.Туман ҳокимлиги бу муаммони ҳал қилади деб умид қиламиз.

Раҳима опа, маҳалла жонкуяри бўлиш баробарида катта оиланинг бекаси ҳамдир. 4 нафар фарзандларининг ҳаммаси олий маълумотли. Бугунги кунда опа 9 та набирасининг суюкли бувижониси. Ҳа, шундай жонкуяр ва фидойи инсонлар маҳаллаларда яна-да кўпаяверсин.

Ҳабибулла ХОШИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

«Мен Олтин Ўрдадан қавс ойининг 1 куни (10 декабрь) карвон билан йўлга чиққандан буён Далв ойининг 10 куни 335 йил (1 февраль) Хоразмга етиб келиб, унинг пойтахти Урганч (ҳозирги Туркманистонга қарашли бўлиб қолган Кўҳна Урганч - Ҳ.З.) шаҳрининг ташқарисида чошгоҳ маҳали тўхтадим. Ҳамроҳларимдан бири шаҳар қозиси Садр Абу Ҳафс ал-Бакрий деган кишининг ҳузурига йўл олди. У эса (яъни шаҳар қозиси демоқчи - Ҳ.З.) менга ўз ноиби Нурил Ислом деган кишини юборди. Нурил Ислом мен билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, ўз хўжасининг олдига қайтиб кетди. Шундан сўнг қозининг ўзи ўз одамлари ҳамроҳлигида келиб мен билан кўришди. Қози ёш эрса-да, хизматлари улуғ бўлган. Унинг икки ноиби бор эди. Бири ҳозир эслатилган Нурил Ислом, иккинчиси эса Оллоҳ таолога эътиқоди устивор ва фиқҳ илмини сув қилиб симирган Нуриддин ал-Кермонийдир. Қози билан учрашув чоғимизда у менга шундай деди: «Шаҳримизда азбаройи кундуз куни одам кўплиги ва тирбандлигидан йўл топиб юришингиз амри маҳолдир. Шу боис ноибимиз Нурил Ислом бошчилигида фақат тонгга яқин шаҳарга кира олурсиз». Рози бўлмасликка иложимиз қолмади. Биз вақтинча қимсасиз бир мадрасага қўндик. Эртаси куни бомдод намозидан кейин ҳузуримизга юқорида номи қайд этилган қози ва у билан шаҳарнинг кўзга кўринган номдор мартабали кишилари ҳам ташриф буюрдилар. Улар орасида мавлоно Ҳумомуддин, мавлоно Зайниддин ал-Мақсадий, мавлоно Риойиддин ал-Ридовой, мавлоно Жалолиддин ал-Имодий ва Хоразм амирининг имоми Шамсиддин ас-Синджорийлар ҳам бўлиб, уларнинг ҳаммаси катта ҳурматга муносиб одамлар эди...»1

Мозийдан садолар

ИБН БОТТУТА КИМ?

у Ўрта Осиёни қандай ўрганганди?

Ушбу сатрлар Ибн Боттута қаламига мансубдир. Хўш «Ибн Боттутанинг ўзи ким бўлган», деган саволга биз авваламбор унинг ўзининг, «Ибн Боттутанинг ғаройиб воқеалар, мўъжизакор шаҳарлар бўйлаб қилган саёҳатларидан туҳфа» ҳамда И.Тимофеевнинг «Ибн Боттута»2 номли асаридан, Н.Иброҳимовнинг «Ибн Боттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳатлари» ва бошқа кўпгина манбалардан жавоб олишимиз мумкин.

Ибн Боттутанинг тўлиқ исми шарифи Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ал-Лаватий ат-Танжий бўлиб, 1304 йили Марокашга қарашли Танжир шаҳрида, ўртаҳол тақводор шайх оиласида дунёга келган. «Ибн Боттута» унинг нисбаси бўлиб, арабча бу сўз «ўрдак» деган маънони англатар экан. Бўлажак сайёҳ ўз шаҳрида саводини чиқаргач, илмга чанқоқлиги боис илк бор илм эгаллаш учун Макка ва Мадинага қараб йўл олган. Бир неча йиллар у ерларда илм эгаллаб шайх унвонига эга бўлгач, Мисрга борган. У шу ҳолда жами ўттиз йилга яқин давом этган муттасил саёҳати давомида талай ҳалокатли ҳолларни ҳам бошидан кечириб, неча юзлаб катта-кичик шаҳарлар, туманлар, қишлоқларда бўлиб, бутун Арабистон ўлкалари, Шимолий ва Ғарбий Африқо, Арабистон ярим ороли, Испания, Италия, Туркия, Эрон, шарқий Хуросон (ҳозирги Афғонистон), Шарқий ва Шимолий Европа, Ўрта Осиё, Ҳиндистон ҳамда ниҳоят Хитойга ҳам саёҳат қилган. Бу эса ниҳоят улкан рақамни, яъни 150 минг километрдан ортиқ масофани ташкил этади. Агарда ўша ўлкаларнинг баъзиларига зарурат туфайли бир нечта марталаб борганлигини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, бу рақам сўзсиз янада ортади. Қолаверса ўша даврларда ҳар бир қадамда саёҳати бешак юз бериши мумкин бўлган хавф-хатару оғир машаққатлардан холи бўлмаган йўлни босиб ўтиш учун кишидан чидам, довюраклик, сабр-тоқат, матонат талаб қилинар эди. Ибн Боттутада эса бундай сифатлар тўла мужассамлашган эди, деб дадил айта оламиз. У пойқадами етган ҳар бир мамлакатнинг шубҳасиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига, тарихи, маданиятига, урф-одатларига алоҳида эътибор берган. Шунингдек, кўрган-кечирганларидан ташқари эшитганларини ҳам назар-эътиборидан қочирмаган ҳолда ўз кундалигида қайд этиб борган. Айниқса, унинг Қора Денгиз орқали Қримга, сўнгра Олтин Ўрда пойтахти бўлмиш янги Сарой Беркага, ундан эса Беш тоққа (ҳозирги Пятигорск) келгандаги фаолияти унинг асарида қизиқарли этиб бадиий тарзда талқин этилади. Бироқ биз учун бу буюк сайёҳнинг 1335 йилнинг бошларида Ўрта Осиёга қилган сафари қўпроқ қизиқарли ва қимматлидир.

Мақоламизнинг бошида сайёҳнинг Хоразм пойтахти Урганчга етиб келиб, унинг қозиси томонидан кутиб олинишига доир иқтибос келтирган эдик. Хуллас, сайёҳ машҳур тарихий шахс Қутлуғ Темур билан кўришгани ҳақида шундай деб ёзади:

«Хоразм амири ҳақиқатан ҳам олдинроқ унинг ҳақида эшитганимдай исми-жисмига монанд киши эди. У, султон Муҳаммад Ўзбекхоннинг она томонидан холасининг ўғли бўлиб, унинг улуғ амирларидан бири эди. Айни вақтда у Хуросоннинг (Шарқий Хуросон - ҳозирги Афғонистон назарда тутилади - Ҳ.З.) волийси ҳокими ҳамдир. Унинг ўғли Хорунбек султон Муҳаммад Ўзбекхоннинг қизига уйланган... Қози мен билан кўришгани келганда шундай деди: «Амир сени кўргани келмоқчи эди, бироқ тоби қочиб қолгани боис ўзининг узурини айтиб юборди.» Кейин мен амирдан ҳол-аҳвол сўрагани ўшал қози ва унинг аъёнлари билан бирга унинг боргоҳига томон йўл олдим.

Ҳабибилло ЗАЙНИДДИН.

(Давоми бор.)

МУНАЖЖИМЛАР ТАБИРИ

ҚУЙ (21.03-21.04)

Ортиқча қизиқонлик ва таваккал иш тутишингиз, натижасида режаларингиз барбод бўлиши мумкин.

СИГИР(22.0420.05)

Муҳим муаммоларингиз ечимини кейинроққа қолдириб турганингиз маъқул. Дам олиш кунларини кўнгилхушликда ўтказинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Дўстона муносабатларни қадрласангиз, шу кунларда дўстларингизга ён босиб туринг, ортиқча баҳслашманг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Буғундан ғайратшижоатингиз жўш урмоқда. Майда-чуйда юмушларга ўралашмай, асосий мақсад сари интилинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Иш жойингиздаги кўнгилсизликларга эътибор берманг. Лекин фаолиятингизни ҳам бўшаштирманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Шу кунларда соғлиғингизга алоҳида эътибор беринг. Ҳар қандай муҳим ишни кейинроққа қолдиринг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Фарзандларингиз тарбияси билан боғлиқ муаммолар Сизни безовта қилиши мумкин. Лекин ўта талабчанлик ҳам ярамайди.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Кўп йиллар кўришмаган қадрдонингизни учратасиз. Бу ҳафтада Сизга яхши таассуротлар йўлдош бўлади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Мўлжаллаб турган ишларингиз қолиб, кутилмаган юмушлар билан банд бўласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Узоқ сафарга боришга тўғри келади. Муҳими, ҳамроҳни танлай билсангиз бўлади.

КОВҒА (20.01-18.02)

Шу кунларда оилангиз даврасида кўпроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Меҳмонга боринг, меҳмон кутинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Кунларингиз бир маромда ўтмоқда. Ортиқча ўзингизни уриштирманг, одатий юмушлар билан шуғулланинг.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан газетамизнинг навбатдаги сони 9 октябрда чиқади.

Билса чин...

ТЕКИН ҚУМ

Самарқанд шаҳрининг Форобий кўчасидаги кўп қаватли 59-уйда яшовчи Барот ака мақтанди:

- Бу йил «Сув-оқава» ташкилоти яхши ишлади-да! Шу ишонсангиз, совуқ сув қувуридан келган қумга озроқ цемент ва оҳак аралаштириб, уч хонали уйимни олдин сувоғини янгиладим, кейин эса ювиниш хонасини (ваннахона), ошхонани деворларига кафел плиталарини ёпиштириш мақсадида қоришма тайёрлаб, ундан фойдаландим. Хуллас, қум муаммоси текинга тушди.

- Бе, шуям фойда бўлиптими! Мана мен Форобий кўчасининг тўрт қаватли 50- уйида яшайман, - деб гапга қўшилди Арсен амаки. - «Катта ариқда» икки бизнесмен иккита катта офислар қурмоқдалар. Ана шу биноларнинг қурилишига ишлатиладиган қумнинг ҳаммасини бир ўзим етказиб бериш ҳақида ҳар иккала офис хўжайинлари билан шартномалар тузидим. ҳатто, Самарқанд уй қурилиш комбинатига ҳам қум етказиб беришни ўз зиммамга олдим. Шунча қумни қаердан оласиз, дейсизми?

Э, қизиқ экансиз Баротжон, ўша сиз олган жойдан-да, ахир!

- Э, ҳа, омон бўлинг-е, Арсен амаки! Бу сизнинг совуқ сув келадиган қувурингиз Зарафшон дарёсидаги қум карьеридан қолишмас экан-ку!..

Самарқанд. ХЎЖА

Алам нималарга қодир

Жаҳон чемпионатида миллий терма командасининг муваффақиятсиз иштирокидан ранжиган француз футбол юлдузи Зайниддин Зидан 360 минг долларга янги автомобиль сотиб олиш ҳақидаги ниятидан воз кечди.

ЗИДАН ВОЗ КЕЧГАН АВТОМОБИЛЬ

Лекин... Узоқ Шарқда жаҳон чемпионатидан сўнг икки ҳафта ўтиши биланоқ турли ахборот агентликлари футбол юлдузи воз кечган машинани Россия пойтахтида истиқомат қилувчи дилер харид қилгани тўғрисида хабар тарқатишди. Шундан сўнг «Советский спорт» газетаси мухбири 1998 ва 2000 йилларда дунёнинг энг кучли футболчиси дея эътироф этилган Зидан буюртирган машинани топишга ахд қилади ва қидирувни бошлайди.

Ниҳоят, деярли олти ҳафта мобайнидаги саъй-ҳаракатлар бежиз кетмагани маълум бўлди. Зидан учун йиғилган афсонавий машина Москвадаги автосалонлардан бирида Крилатскоеда топилди. Автосалон директори Пётр Абрамов «мерс»нинг Россияга келиш тарихини сўзлаб беради. Воқеа аслида мана бундай бўлган экан.



Зидан жаҳон чемпионати арафасида Германияга ташриф буюриб, «Mercedes-Brabus E50AMG» русумидаги машинани икки карра жаҳон чемпиони сифатида ўзига совға қилмоқчи эканини айтади. Заводда аньанавий конвеерда йиғилган бундай машинанинг нархи 139,5 минг долларга тенг экан. Шу ернинг ўзида айрим жиҳатларини яхшилаш бўйича қўшимча харажатлар яна 82 минг долларда баҳоланади. Кейин Зидан двигателни алмаштириб, 60 минг доллар турадиган «Брабус 6,5» моторини қўйишни сўрайди. Ҳаракатлантирувчи айрим қисмларни такомиллаштириш учун яна 30 минг қўшилади. Зайниддиннинг илтимосига биноан машина салони, ўтирғич ва эшикларнинг ички томони ноёб чармдан, салондаги барча қисмлар эса Ҳиндистонда ўсадиган ноёб қора дарахтдан (дарвоқе, унинг 1 килограмми 10 минг долларча туради) ишланадиган бўлади. Энг муҳими эса, ҳайдовчи ўриндиғи Зайниддин Зиданнинг, ёнидаги ўриндиқ эса унинг рафиқасининг қоматига мослаб тайёрланишига келишилади.

... Бироқ - Франция термаси уйга бош эгиб қайтишга мажбур бўлди. Зиданнинг хафалиги шунчаликка етдики, у нархининг ярмидан кўпроғи тўлаб қўйилган ўта замонавий машинадан воз кечишга қарор қилди. Тўғри-да, ҳар гал машинага ўтирганида Кореядаги муваффақиятсизликни эслашнинг нима кераги бор?

Афсонавий «мерс» нархи туширилиб, сотувга қўйилади. Шунда россиялик футбол мухлиси бўлган дилер машинани «илиб» кетишга улгуради. Ва ушбу ноёб автомобиль Москвадаги салонда пайдо бўлади.

«Нархи неча пул?» деган саволга Пётр Владимирович: «Биз бор-йўғи 3 миллион 200 минг рубль, ёки 99 минг 999 доллар сўраяпмиз, «холос» деб жавоб қайтарди. Айтишларича, машина ҳақиқий мўъжизанинг ўзи экан! Салоннинг ичида ўзингни гўё авиалайнердагидай ҳис қиларкансан. Компьютер хотирасига қандай тезликда қанча вақт мобайнида юриш лозимлигини киритиш имконияти мавжуд экан. Тезлик 3-4 сония ичида 220 километр-соатгача етиши мумкин экан.

Буни тасаввур қилиш учун тахминан шундай тезликда самолёт ердан кўтарилишини ёдга олиш етарли бўлса керак. Ёки яна бир ўхшатиш - бир вақтлар барчанинг фикру хаёлини ўғирлаган Фантомас ҳақидаги фильмлардаги машинанинг ўзи. Фақат учмайди, холос. Яна, ким билади дейсиз? Балки, қўшимча ҳақ тўласангиз, бунинг ҳам иложи бордир?..

Эслатиб ўтамиз, дунёда ягона ушбу автомашинанинг таннархи 360 минг доллар.

Машинадаги мактубдан сатрлар:

Муҳтарам Зайниддин Зидан жаноблари!

2001 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида йиғилган ушбу «Мерседес-Бенц Е 50» автомобили (идентификацион рақами WDB2100721A386131) Сизнинг талабларингизни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилди.

У хусусиятлари яхшиланган «Брабус» автомобилларининг учинчисидир. Бундан вариантда ягона эканини тасдиқлаймиз.

Чуқур ҳурмат билан, «Брабус» экспорт бўлими.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.

Аёл қалби мавжлари

Хосият РУСТАМОВА

Баъзан йиғиларинг тегади, жонга,
Баъзан кулгуларинг бағишлайди, жон.
Энг сўнгги жонимни қўлига олиб,
Юрак санчиб қўяр ўқтин ва ўқтин.
Соғинмоқ - қачондир...
Биз билмай қолиб,
Иккимиз ҳақида ўқилган ҳукм.
Яшаш нима ўзи?
Оҳ, ҳўрлик нима?!
Азобми...
Қийноқми - яхши кўрмоқлик?!
Йиғлама...
Йиғлама...
Шўрликкинам-а,
Яшашдан осонми - хайрлашмоқлик?!

Наҳотки, мен билан
биргасан кузак?!
Гул билан хазонни
баробар этдинг,
Кетар чоғ - бахтиёр кетдинг
ҳаволаб.
Мени ўлим билан биродар этдинг,
О, мени кўнглимни қўйдинг жазолаб.
Ортингдан бораман -
Кўрсат йўлингни,
Кўрсат - шох-шаббалар
ичидан юриб.
Дунё тортмай қўйди
эътиборимни,
Дунё хазон каби қолди уюлиб.
Яна сенга ишим тушди-ку, Ҳаёт,
Шип-шийдам йўллардан
ўтаётирман.
Сени сўнгги йўлга кузатиб, ҳайҳот
Ўзим ҳам ортингдан кетаётирман.

ХАЗО

Чириган шохларда чайқалиб чунон,
Сўнгги бор - ўзингга келдинг қаердан?!
Мен Сени кузатиб-кузатиб ҳайрон -
Ўзим ҳам қайгадир
кетаётирман.
Чирпираб-чирпираб
тушасан ногоҳ,
Майда ўлимлардан учасан юксак.
Наҳотки, пойимдан
топгансан паноҳ,

БУНЁДИМ

Дилшода АСЛОНОВА

Ажаб хислат ҳиссиётим
Эртак бўлган «Бунёд»им
Мен нозикман, эркатойман
Озор берма, Бунёдим.

Куйдирдинг-ку, севдирдинг-ку
Оғушингда ўлдирдинг.
Кўнглим боғи қолди ёлғиз,
Қайга кетдинг, Бунёдим.

Эртагимда бўлиб пайдо,
Қаламимда бўлиб шайдо,
Тушларимда бўса олиб
Қайга кетдинг... эртак бўлиб...

* * *

Ўз-ўзимни алдай бошладим
Қалб қўримни қийнай бошладим.
Нелар ўйладим, нени сўйладим,
Барисини бекор бошладим.
Ўз-ўзимни алдаган куним
Кўпроқ сени истади кўнглим.
Кўзларимда ёш бўлиб дарё,
Қалб қўримни жамлаб олдими?
Қийнамоқда қалбимдаги ўт
Тоғлар, менга бер юрагингни.

Қутлов!

Шеробод тумани Халқ таълими бўлими ЖАМОАСИ

БАРЧА ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРНИ ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН КАСБ БАЙРАМЛАРИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Қутлов!

Бойсун тумани Халқ таълими бўлими ЖАМОАСИ

Ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан чин дилдан қутлайди!

Қутлов!

АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Сизларни 1 октябрь Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий қутлаймиз. Келажак авлодни кучли, билимдон ва албатта бахтли қилиб тарбиялашда сизларга мустаҳкам соғлиқ ва касбий маҳорат тилаймиз!

Музрабод тумани Халқ таълими бўлими ЖАМОАСИ

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъна Берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Саҳифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ

Навбатчи: Инобат ИБРАГИМОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-826 Топширилди—20 30